Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

4 декабрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 246 (1498)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

3. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг Устави ва таркибий тузилиши тасдиқлансин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг асосий вазифалари деб қуйидагилар белгилансин:

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқий-татбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

қонунчилик ишининг режалари ҳамда дастурларига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг директори Кенгаш қарорини кейинчалик сессияда тасдиқлаш шарти билан Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари Олий Мажлис Раисининг тақдимномаси бўйича Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

6. Республика бюджети маблағлари Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини молиялаш манбалари деб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддат ичида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини моддий таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 3 декабрь.

ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

ЛИССАБОН, 3 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабрь кунининг иккинчи ярмида Украина Президенти Леонид Кучма, Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш билан учрашди.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон-Украина ҳамда Ўзбекистон-Португалия муносабатларини ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов билан Антонио Гутерриш учрашуви сўнгида Ўзбекистон ва Португалия ўртасида ҳаво қатнови ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битимлар имзоланди. Ҳужжатларга Ўзбекистон ва Португалия ташқи ишлар вазирлари А. Комилов ва Ж. Гама имзо чекди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар шу вақтгача Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида ривожланаётган бўлса, эндиликда икки томонлама муносабатларга бевосита ҳуқуқий замин ҳозирлана бошлади.

Лиссабон учрашувининг дастлабки кунги ялпи мажлисида ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мазкур ташкилотнинг Европада хавфсизликни таъминлаш борасида муҳим ўрин тутаётганини, айниқса, «совуқ уруш»га барҳам берилганини, собиқ Югославия ва бошқа ҳудудлардаги сиёсий тангликларни ҳамда бошқа уруш ўчоқларини бартараф этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Шу билан биргаликда, ялпи хавфсизликни таъминлаш, XXI асрда Европанинг хавфсизлик моделини яратишда турлича қарашлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши масаласи баҳсларга сабаб бўлаётир. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари мазкур ташкилотни яқлил демократик давлатларнинг мудофаа иттифоқи деб билиб, уни Россия билан ҳамкорликда кенгайтириш мумкин деб ҳисобламоқда. Россия эса яна бир марта бу масалага ўзининг салбий муносабатини билдирди.

Бу, «совуқ уруш» тугаганига қарамай, хавфсизликни таъминлаш осон кечмаётганини кўрсатмоқда.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ: ХАВФСИЗЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

ЛИССАБОН, 3 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бугун ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчилари эътиборини Марказий Осиё минтақасидаги муаммолар, уларни ечиш борасида Ўзбекистон олға сураётган таклифларга қаратди. Чунки Европа мамлакатларининг хавфсизлиги кўп жиҳатдан мазкур минтақа муаммолари қандай ҳал этилишига ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг хавфсизлиги минтақавий, қолаверса, глобал хавфсизлик билан бевосита боғлиқ. «Совуқ уруш» тугагандан ҳамда кейинги йилларда рўй берган муҳим жуғрофий-сиёсий ўзгаришлардан сўнг хавфсизликни таъминлашнинг янги йўлларини излаб топиш зарурати юзага келмоқда. Айни пайтда ялпи хавфсизликка ҳарбий-сиёсий блоклар ёки давлатларнинг ўзаро қарама-қаршилиги эмас, аксинча, миллий, минтақавий ва маҳаллий можаролар, қуроляроғ савдоси, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳамда давлатлар ичидаги сепаратизм жиддий хавф туғдирмоқда.

Бундай можаролар халқаро терроризм ва наркобизнеснинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Афғонистондаги ўн саккиз йиллик уруш оқибатида вужудга келган вазиятни қайта изга солиш учун халқаро ташкилотлар, қолаверса, бутун жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари зарур.

Шуниси қувончлики, Ўзбекистоннинг Афғонистонга қуроляроғ олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклифлари қўпгина халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Хавфсизлик муаммолари экологияни ҳам ўз ичига қамрайди. Марказий Осиёдаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи фожиасини бартараф этиш борасида минтақа давлатлари билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик диққатга сазовордир.

Ислом Каримов давлат ва ҳукумат бошлиқларини Ўзбекистоннинг БМТ Бош ассамблеяси сессиясида илгари сурган Марказий Осиёни ядро қуролидан холи минтақа, деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Бугунги кунда сиёсий-ҳарбий гуруҳбозлик ва ундан келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршилик билан ялпи хавфсизликка эришиб бўлмайди.

ЕХҲТга аъзо ҳар бир мамлакат бундан 21 йил муқаддам Хельсинкида қабул қилинган якунловчи акт принциплари ва мажбуриятларини ҳурмат қилиши зарур. Мазкур ташкилот ҳам юқорида қайд этилган қарама-қаршиликлар олдини олиши керак бўлади.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Европа давлатлари ва тузилмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мамлакатимиз салоҳиятини оширишга, иқтисодий ва демократик ислоҳотларни жадаллаштиришга, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ислом Каримов шу куни «Белем» конференц-марказида Грузия Президенти Э. Шеварднадзе, АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари С. Тэлбот билан учрашди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари «Белем» президент саройига ташриф буюриб, Португалия Президенти Ж. Сампайу билан ҳам учрашди.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммити бугун ўз ишини якунлайди.

(ЎзА).

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчиликни ривожлантириш» мавзуида давра суҳбати бўлди.

Унда академия профессор ва ўқитувчилари, тингловчилари, шунингдек, маҳаллий бошқарув ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида академия тингловчиларининг республика Асосий қонунига бағишланган маърузалари тингланди. Суҳбат иштирокчилари Ўзбекистон Конституцияси -- инсонпарварлик ғояларининг тантанаси, давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишининг кафолати экани ҳамда миллий урф-одат, анъаналаримиздан тўла фойдаланишга имкон яратишини таъкидлашди. Шунингдек, қонун ва давлат тушунчалари ўзаро боғлиқлиги, Конституцияга мос ҳолда қабул қилинган қонунлар миллий давлатчиликнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда турмушга татбиқ этилаётгани, шу асосда иқтисодий тараққиёт ва демократиялаш жараёнига хизмат қилаётгани тўғрисида фикр билдирилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, академия ректори А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

«НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг таъсис қурултойи бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган делегатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Мажлисда «Нуроний» жамғармаси фаолияти тўғрисидаги маъруза тингланди.

Жамғарманинг асосий мақсади фахрийларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятида, хайрия тадбирларида фаол иштирок этишларига кўмаклашиш, имкониятлари доирасида ишга жалб қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашдан иборатдир.

Жамғарма республика фахрийларининг ихтиёрий, ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукумат қарашли бўлмаган хайрия жамоат ташкилотидир.

Мажлисда «Нуроний» жамғармасининг низоми тасдиқланди.

Мажлисда жамғарманинг бошқарув органлари сайланди. Бектош Раҳимов Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг тарихан қисқа даврида дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари, жумладан, Япония билан ҳам ҳар томонлама муносабатларини мустаҳкамлади. Айниқса, кейинги пайтда Ўзбекистон-Япония алоқалари янги ривожланиш босқичига кираётир. ЎзА мухбири Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата билан учрашиб, ана шу мавзуда суҳбатлашди.

-- Жаноб элчи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ривожини қандай баҳолайсиз?

-- Япония билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён уч ярим йил вақт ўтганига қарамай, икки томонлама муносабатларимизда мустаҳкам ишонч қарор топди, савдо-иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бунда албатта, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда бозор муносабатларини қарор топтириш, сиёсий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аниқ ва истиқболли сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳамкорлик қилишдан аввал шеригини узоқ вақт синчковлик билан ўрганадиган Япония ушбу минтақада ҳамиша сиёсий ва иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлишидан манфаатдор ва умидвордир. Бугун эса Япония ҳукумати ана шундай ютуқларга эришган Ўзбекистон билан турли соҳалардаги алоқаларни кенг ривож топтириш ниятида.

Айни пайтда ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Япония ҳукумати Ўзбекистонга 4 миллион АҚШ доллари миқдорида давлат ёрдами кўрсатди. Бу ёрдам телекоммуникация тизимларини энг янги техника билан таъминлаш, Тошкентдаги йўловчи вагонларини таъмирлаш заводини модернизациялаш ҳамда учта маҳаллий аэропортни таъмирлаш лойиҳаларини қамраб олган. Бундан ташқари, Японияннинг «Экспорт-импорт банки» Кўқдумалоқ нефть конини ўзлаштириш ҳамда Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводини мукаммалаштириш, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларни молиявий таъминлашда қатнашмоқда. Мазкур лойиҳаларда «Нишо явай корпорейшн», «Марубени корпорейшн», «Мицуи энд Ко. ЛТД» каби йирик япон фирмалари иштирок этаётир.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми кун сайин ортиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Японияндан асосан, энг замонавий ускуналар қотиб олаётгани диққатга сазовор. Чунки, бу илғор хомашё мамлакати бўлган Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

-- Шубҳасиз, Япония Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётган ва амалий кўмак бераётган мамлакатлардан биридир. Айтингчи, яна қайси йўналишларда ҳамкорлик қилинмоқда?

-- Япония ҳукумати Ўзбекистондаги тузилмавий ўзгаришлар, Тошкентдаги педиатрия институти илмий-тадқиқот клиникаси, шу олийгоҳнинг иккинчи клиникаси, Андижондаги болалар поликлиникасини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун грантлар ажратди. Худди шундай, лекин кичикроқ ҳажмдаги грантлар Ўзбекистон «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қорақалпоғистондаги туғруқхона, Ўзбекистон ногиронлар жамияти каби жамоат ташкилотларига ҳам ажратилган. Жорий йилда эса Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Мен шу ўринда маданият ва маориф соҳасидаги алоқаларимизга алоҳида тўхталмоқчи эдим. Ўтган уч йил давомида Тошкентда японияник санъаткорлар билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказилди. Токиода эса Марказий Осиё давлатлари фильмларининг фестивали ўтказилди. Шу йилнинг бошида Алишер Навоий номидаги театрда японияник машҳур балет раққосаси Юкико Ивата ўз санъатини намойиш этди. Дарвоқе, Япония ҳукумати бегараз ёрдам қиёфатида мазкур театрни замонавий эшитиш ускуналари билан таъминлади. Бу хил ёрдамлар Тошкентдаги шарқшунослик институти, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда жаҳон тиллари университетларини ўқув қўлланмалари, жумладан, япон тилини ўрганиш бўйича дарсликлар билан таъминлашда ҳам кўрсатилмоқда. Япон тилини мукаммал ўрганиш учун ҳар йили Японияндан ўқитувчилар таклиф этяпмиз.

Халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашда турли маданий тадбирлар ўтказишнинг ўрни алоҳида. Жорий йилнинг 11-14 декабрь кунлари Тошкентдаги «Кино уйи»да Япония кинофильмлари фестивали ўтказилади, 14 декабрдан эса Япония плакатлари кўргазмаси очилади. Шунингдек, Тошкент санъат музейида Япония маданияти, санъати энг гуллаб-яшнаган эдо даврига оид гравюралар намойиш этилади. Ўзбекистон-Япония маданий алоқаларини ривожлантириш учун Фукушимо префектураси ва Тошкент олий ўқув юртлари ўртасида ўзаро талабалар алмашиш, Фарғонанинг Риштон тумани ва Японияннинг Кумацу шаҳри ўртасида ўзаро керамика усталари борди-келдиларини йўлга қўйишга келишиб олинди. Шунингдек, ўзбек олимлари, санъаткорлари Японияга таклиф этилди. Ўйлайманки, бу соҳадаги ҳамкорлигимиз тобора кенгайиб бораверади.

СУРАТЛАРДА: Япониядан лавҳалар. **(ЎзА).**

-- Жаноб элчи, Япония дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларидан бири сифатида эътироф этилган. Кейинги пайтда мамлакат ҳукумати нафақат иқтисодиётда, балки, ташқи сиёсатда ҳам янада кенгроқ фаолият кўрсата бошлади. Шу боис, Япония Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан сиёсий ҳамкорликни ҳам янада фаоллаштирали, деб мўлжал қилиш мумкинми?

-- Дарҳақиқат, Япония жаҳон иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди. Энди эса Япония ҳукумати сиёсий жиҳатдан, яъни жаҳонда барқарор тинчлик ва хавфсизлик таъминланиши йўлида кенг фаолият кўрсатмоқда. Шу боис Япония БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигига сайланди. Энди Япония бевосита Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлиш учун жиддий ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимиз БМТ тизими ва фаолиятини ислоҳ қилиш режасини ҳам тақдим этди.

Мамлакатимиз фаол ташқи сиёсат ўтказар экан, Марказий Осиё минтақаси уни ўзига қизиқтирмасдан жалб этади. Зеро, биз бу минтақада ҳамиша барқарорлик бўлишини хоҳлаймиз. Шу ўринда минтақадаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни буюк эканини эътироф этишни хоҳлардим. Бизнинг ҳукуматимиз Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг марказий давлати, қулай жуғрофий-сиёсий мавқега эга, иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришган мамлакат сифатида билади. Шу жиҳатдан, биз Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистондаги урушни бартараф этиш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракатларини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Бу борада бизнинг қарашларимиз тўла мос тушади.

-- Ўзбекистонликларда Япония, унинг халқи ва маданияти ҳақида бой маълумот мавжуд. Айтингчи, японлар Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эгалар?

-- Япония Ўзбекистондек қадимий ўлка ҳақидаги дастлабки маълумотларга юзлаб йиллар аввал, буюк ипак йўли гуллаб-яшнаган даврда эга бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, японияликларнинг юртингизга қизиқиши кучайди. Халқимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга қизиқиши, айниқса, жуда кучли. Мамлакатингизнинг бой маданий мероси, бугунги салоҳияти халқларимиз ўртасидаги алоқаларни равнақ топтиришга катта имконият яратмоқда.

-- Яқинда Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Японияга ташриф буюради. Япония томони ушбу ташрифга қандай аҳамият бермоқда?

-- Маълумки, 1994 йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Японияга расмий ташриф буюрган, ушанда икки мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликка асос солинган эди. Мазкур сафар эса Ўзбекистон раҳбарининг Японияга ташрифидан кейинги муҳим сафардир. У ўзаро имзоланган ҳужжатларни тезроқ амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз. Чунки Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония қўшма комиссиясининг раиси сифатида Токиога сафар қилади. Ушбу комиссиянинг Токиода ўтадиган мажлиси икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқалари ривожида омил бўлиши шубҳасиз. Шунингдек, ташриф чоғида Ўзбекистон Бош вазирининг Япония Бош вазири Рютаро Ҳашимото, мамлакат ташқи ишлар, молия, савдо ва транспорт вазирлари билан учрашуви режалаштирилган. Мазкур учрашувларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласи муҳокама қилинади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, Япония ҳукумати Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатда олиб борилаётган демократик, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Бош вазирининг Токиодаги учрашувларида ҳам худди шу фикр яна бир марта ўз тасдиғини топади, деб умид қиламан.

Муҳаммад ШАРИФ ёзиб олди.
(ЎзА).

СУПЕР-АГЕНТ ҚЎЛГА ТУШДИ

Бу хабар ГФРдаги барча газеталарда эълон қилинди: Колумбияда германиялик юқори малакали агент Вернер Маусс қўлга олинган. Лотин Америкасидаги ушбу давлат вакиллари Маусснi «Халқ озодлик армияси» террористик гуруҳи билан алоқада бўлганликда айблашмоқда. У шунингдек террористларга жуда катта пул тўлаганликда ҳам айбланмоқда. Германиялик агентни қўлга олиш чоғида унинг ёнидан бир нечта сохта паспортлар, «Дрезднер банк»нинг учта «олтин» кредит карточкаси, йўлдош орқали уланадиган телефон, револьвер ҳамда Колумбия полицияси ахтараётган 83 нафар террористнинг рўйхати топилган. Маусс билан биргаликда унинг 36 ёшли ёрдамчиси ва хотини деб рўйхатдан ўтган Сильвией Зейдель ҳам қамоққа олинди. Вернерни бундай ишга ким жалб қилган ва уни ким пул билан таъминлаб турганлиги ҳозирча номаълум.

АВАРИЯ УЧУН МУКОФОТ

Туркиялик ҳайдовчи Ҳасан Гекче яқинда «тарихий автоҳалокатни» содир этди. Шофёр қамоқхонада судни кутиб ётган бир пайтда унинг адвокати Туркия Озодлик ва демократия партияси раҳбариятининг мукофотини келтириб топширди. Маълум бўлишича, ҳайдовчи ана шу автоҳалокати туфайли давлат ва мафиянинг яширин алоқасини ошкор қилиб қўйган. Воқеа Истанбул яқинида содир бўлган эди. Ҳасан Гекче юк машинаси билан парламент депутатларидан бирининг қора «Мерседес» машинаси тўқнашиб кетади. Юк машинасининг ҳайдовчиси йўл қоидасини бузганликда айбланиб қамоққа тушади. Аммо «Мерседес» машинасида Тўғри йўл партиясидан сайланган машҳур депутат Седат Буджак билан биргаликда хавфсизлик хизматининг бир мансабдори ҳамда кўпдан бери одил суддан яшириниб юрган ашаддий рецидивист-қотил Абдуллоҳ Чатли ҳам бўлган. Воқеа тафсилотлари билан биринчи бўлиб журналистлар қизиқиб қолишди. Ҳайдовчига ўн йил озодликдан маҳрум бўлиш хавф солмоқда. Бироқ, бутун Туркия жамоатчилиги унга ҳамдардлик билан қарамоқда. Ахир шу ҳайдовчи бўлмаса «мафия-полиция-давлат» занжирини ким ҳам ошкор қиларди, деб ёзади Истанбулда чиқадиган «Миллият» газетаси. Мухолифат раҳбари, собиқ Бош вазир Месут Йилмаз журналистларга баёнот бериб, бу иш бўйича ягона гувоҳ бўлган ҳукмрон Тўғри йўл партиясининг депутати чет элга қочиб кетган. У «Мерседес» рулида бўлиб, тасодифан тирик қолган экан.

АРМИЯ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

2000 йилга бориб Чехия армияси Марказий Европадаги энг оз сонли армияга айланади. Яқин уч йил ичида 15 минг нафар ҳарбий хизматчи истеъфога жўнатилиб, армияда бор-йўғи 50 минг солдат ва офицер қолиши мўлжалланмоқда. Бу ҳақда мамлакат Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабар тарқатди. 2000 йилга бориб, республика мудофаа вазири Милослав Виборнийнинг фикрига қарагандa, армия соф профессионаллардан иборат бўлади.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 3 декабрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 14,82 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 51,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 4 декабрдан бошлаб ҳисоб ва бозорхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	41,48	1 Норвегия кронаси	7,83
1 Австрия шиллинги	4,65	1 Польша злотийси	17,92
1 Англия фунт стерлинги	85,66	10 Португалия эскудоси	3,25
10 Бельгия франки	15,80	1 Сингапур доллари	36,38
1 Голландия гульдени	29,02	1000 Туркия лираси	0,49
10 Греция драхмаси	2,07	1 Финляндия маркаси	11,88
1 Дания кронаси	8,50	1 Франция франки	9,61
1 БАА дирхами	13,89	1 Швеция кронаси	7,49
1 АҚШ доллари	51,00	1 Швейцария франки	38,35
1 Миср фунти	15,03	1 ЭКЮ	63,75
1 Ирландия фунти	85,53	10 Жанубий Корея вони	0,61
1 Исландия кронаси	0,77	10 Япония иенаси	4,46
10 Испания песети	3,86	1000 Россия рубли	9,25
100 Италия лираси	3,32	1 Украина гривнаси	27,21
1 Канада доллари	37,78	1000 Беларусь рубли	3,33
1 Хитой юани	6,14	1 Эстония кронаси	4,23
1 Қувайт динори	170,48	1 Латвия лати	93,07
100 Ливан фунти	3,29	1 Литва лити	12,75
1 Малайзия ринггити	20,17	1 Қозоғистон тенгеси	0,71
1 Германия маркаси	32,57	1 Қирғизистон соми	3,03

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

КОНСТИТУЦИЯ — ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Мен Асосий қомусимиз — Конституциямизни ҳар гал қўлга олиб муборак сатрларга нигоҳ солганимда кўз ўнгимда иқтисодиёти гуллаб-яшнаган, маънавияти баркамол, тинч-тотувлик барқарор бўлган жамият, фуқаролик жамияти кўз ўнгимда яққол гавдаланади.

Бу шунчаки хаёл ёки тизгинсиз орзулар ҳосиласи эмас. Мустақиллик Конституцияси деб тарихга кирган Асосий қонунимизнинг ҳар бир моддаси, ҳар бир сатридан ана шундай улуғ мазмун барқ уриб туради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинганлигига беш йил тўлиши муносабати билан якунланган ижобий ишларимиз давлатнинг Конституцияда кўрсатилган тизим билан бошқарилиши энг тўғри йўл эканлиги яна бир бор исботланди.

Маълумки, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Бинобарин, ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди.

Конституциямиз инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқ бўлиш асосий мақсадларни бири эканлигини тантанали равишда эълон қилган эди. Ана шу ғоя мамлакатимизда тантана қилмоқда. Фуқароларимизнинг тинчлиги, барқарорликнинг таркиб топганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Шуни ифтихор билан айтиш керакки, Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлди, Конституциямизда биринчи марта ҳокимият бир-биридан мустақил бўлган учта ўзакдан — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топиши эътироф этилди. Барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган қудратли ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролар жамияти қуриш мақсад қилиб қўйилди. Натижада, тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқлари очилди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга мослаб қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу — жуда катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асрашимиз керак.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, у янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини назарда тутади, кўп миллатли Ўзбекистон диёрида мустаҳкам маънавий муҳитни вужудга келтиришнинг юридик асосларини яратади, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, тинчлик, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт тўғрисида ғамхўрлик қилиш белгиларини ўзида мужассамлаштирган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлат барпо этишга йўлланма беради.

Конституцияда давлат халқ иродасини ифода этиши илгари сурилган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги таъкидланди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги кўрсатилиб, инсон ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилди. Шунинг учун ҳам Конституциямизда қўйилган масалалар жаҳон андозаларига мувофиқ келганлиги кўпгина илғор давлатлар экспертлари томонидан тан олинди.

Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклаш ғояси бўлди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёри шакллантирилмоқда.

Суд — давлатнинг муҳим муассасаларидан бири, одил судловни амалга оширишда ягона давлат органидир.

Биз одил судловни республикадаги осойишталиклигинг, фуқаролар тинч-тотувлиги ва ҳамкорлигининг асоси, қонунлар устуворлигининг далили сифатида амалга оширишимиз лозим. Суд ҳокимияти фақат ҳақиқий демократик қонунлар асосидагина бир меъёрда унумли фаолият кўрсатиши мумкин. Қурилажак ҳуқуқий демократик давлатимизда қонунбузарларга қарши, ўзгалар мулкига кўз олайтирувчи шахслар ва жиноий гуруҳларга қарши қонун кучларидан тўла-тўкис фойдаланилади. Жаҳон давлатлари харитасидан ўрин эгаллаган республикамизнинг ёрқин истиқболи, аввало юртимиздаги барқарорлик, турли сиёсий қарашдаги фикрлар фақат амалдаги қонунлар доирасида олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида «Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир», — деган эди.

Биз ҳамиша фуқаролар билан давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва бурчлар узвийлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлигини, ҳеч ким уларни суд қарорисиз озодликдан маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмаслигини таъминлашга эришмоқдамиз. Айни пайтда, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Конституциямизнинг 26-моддасида айбсизлик презумпцияси — «жиноят содир этилганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўрилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши» қоидаси одил судловнинг муҳим демократик қонун-қоидаси тариқасида ўз ифодасини топди.

Айбсизлик презумпциясининг бу тўлиқ ва аниқ таърифи 1948 йилдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ва 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт»да назарда тутилган дастурга мос келади.

Жиноят муҳокамасида жиноятчининг иштирок этиши айбланувчи ҳимоя ҳуқуқининг муҳим процессуал кафолатидан бири ҳисобланади.

Конституциямизнинг 116-моддасида тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида айбланувчига малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши қайд этилган.

Конституциямизнинг 106-116-моддаларида суд тизимининг тузилиши ва республика барча суд органларининг ваколатлари, суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгилаб берилган. Жумладан, Конституциянинг 112-моддасида «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади» деб кўрсатилганки, у одил судловни амалга оширишнинг бош мезонидир.

Мен Конституциянинг 114-моддасига ҳам эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Мазкур моддада «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», — дейилади. Бу — суд ҳокимиятининг асосий шарти бўлиб, суд қарорларининг сўзсиз бажарилишини кафолатлайди. Суд ва судьяларнинг мавқеини кўтаради, айни вақтда улар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

Конституциянинг 119-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд ҳокимияти тизимида тутган ўрни, унинг ваколатлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Асосий Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноят ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади, қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эгадир.

Конституция асосида кўпгина қарорлар қабул қилиниб, уларда конституциявий тамойиллар ривожлантирилди ва мустаҳкамланди. Бу қонунлар келажаги буюк бўлмиш демократик ҳуқуқий давлатнинг барча тизимларида иш юритишнинг асосий йўлларини кўрсатди ва амалда ижрони таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун ана шундай қонунлар жумласига киради.

Давлатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш учун унга тўла ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайдиган қонун керак эди, мана, шукрлар бўлсинки, шундай қонун амалда. Бу қонун судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қатор янги қоидаларни қамраб олган. Унинг кўпгина моддалари асосида инсонпарварлик ва демократия ғоялари ётади.

Одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши, судларнинг фаолиятига четдан аралашишларга йўл қўйилмаслиги, судьяларнинг дахлсизлиги, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, судловнинг ошкоралиги ва судлов олиб бориладиган тил каби конституциявий қоидалар одил судловни таъминлашнинг мустаҳкам негизларидан ҳисобланади.

Қонунда акс эттирилган барча тамойиллар одил судловнинг бош мақсадини, яъни фуқаролик ишлари бўйича ҳар қандай бузилган ҳуқуқни тиклашга, жиноят ишлари бўйича ҳеч бир айбсиз шахснинг судланиб кетишига йўл қўймасликка, ҳар бир айбдор шахснинг адолатли жазога тортилишига қаратилган. Шунинг учун ҳам қонуннинг 2-моддасида одил судловни фақат суд амалга оширади, деган тамойил алоҳида таъкидланган. Буларнинг барчаси, Президентимиз айтганларидек, давлатда қонуннинг устуворлигини таъминлайди.

Қонуннинг 4-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган ҳолда суднинг вазифалари белгилаб берилган. Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга, ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилганлигини ифодалаган.

Қонуннинг 9-моддасига назар ташласак, унга яна бир конституциявий тамойил киритилганлигига гувоҳ бўламиз, яъни унда «ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи ва бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги» кўрсатилган.

Қонуннинг 66-моддасида судьялар ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларга сўзсиз риоя қилишлари, судьялар беғараз ва одил бўлишлайдиган кенгаш (судьялар кенгаши) ташкил этилиши мумкин.

Судларнинг қонуний кучга кирган қарорлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ижро этиш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам долзарб масала сифатида ўртага қўйилди.

Маълумки, давлат ва жамиятнинг обрўси ўша давлатда мавжуд бўлган суд в судьяларнинг қонун талабларига оғишмасдан амал қилишларига, қабул қилинган ҳар қандай қарорлар қонун меъёрларига нечоғлик мос келишлигига бевосита боғлиқ. Дарҳақиқат, яхши қонунларимиз бўлса-ю, суд тизимида ишловчилар унинг ҳар бир нормасига мос қарор қабул қилмаса ёки бошқача татбиқ қилса, йўл қўйилган нуқсонлар, бу аввало, ўша суд тизимининг обрўсига, давлат ва ўша давлатдаги жамият обрўсига путур етказилиши деб қаралиши керак.

Суд фуқаролар кўз олдида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланиши шарт — бу ўта муҳимдир. Юртбошимизнинг тоталитар тузум давридаги судга нисбатан бўлган қарашларни тубдан ўзгартириш ҳақидаги фикрларида катта мазмун бор. Ҳақиқатдан ҳам, кишиларимизнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатларини ўзгартириш борасида ҳали анча ишлар қилишимиз лозим. Биз суд маданиятини кўтаришимиз, ҳар бир суд жараёни фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришишимиз шарт.

Биз, конституция талабларидан келиб чиққан ҳолда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда республикамизда суд ислоҳотини янада ривожлантириш ишлаб чиқдик.

Дастурни тайёрлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, тажрибали назариётчи олимлар ва амалиётчи ҳуқуқшунослар иштирок этдилар. Унда судлов ишлари фаолияти жараёнида вужудга келган қатор муаммолар қамраб олинган. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенгайтириш, суд тизимини демократиялаштириш ва суднинг мавқеини ошириш, суд ислоҳотларига оид бошқа масалалар ҳақида Олий Мажлис Кенгашининг қарори қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ишлар Конституциямизда таъкидлаб кўрсатилган суд ҳокимиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини янада фаолроқ ҳимоя қилиш имконини беради. Зеро, ҳар биримизнинг хатти-ҳаракатимиз, фикру ўйимиз халқимизнинг тинч-тотув, фаровон яшашига ўз улушимизни қўшишга қаратилган. Конституциямиз эса, мана шу эзгу ниятларни руёбга чиқаришда асосли кафолат бўла олади.

У. МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.

Наманган шаҳридаги кўп тармоқли «Шамс-ЛТД» фирмаси томонидан Оқтош шаҳарчасида бунёд этилган гугурт фабрикаси йилига 130 миллион қути маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Россиядаги Слабодск гугурт фабрикасидан жиҳоз ва дастгоҳлар келтирилди. Айни кунларда бу ерда 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи ҳар сменада 250 минг қути гугурт ишлаб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: Оқтош гугурт фабрикасининг илғор ишчилари Д. Ҳотамова, М. Жўраева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.

Давлат назорати фош этади

КОРХОНА ТАМҒАСИ НЕГА БОСИЛМАДИ

Самарқанддаги мебель ишлаб чиқариш акционерлик бирлашмаси маҳсулотлари давлат назорати ходимларининг эътирозларига сабаб бўлди.

Чунки бу ерда мебеллар сербутоқ, ёрилган ёғочлардан тайёрланган. Чамаси, мебелсозлар шу сабабли ҳам бу маҳсулотларга корхона тамғасини босишни ўзларига эп кўришмаган. Бирлашмада мебель ишлаб чиқариш тўхтатилди. Назоратчилар камчиликларни тугатиш муддатини белгилаб бердилар.

ХЛОР «САХИЙ» ҚЎЛЛАРДА

Давлат назоратчилари Янгийўлдаги «Сувканал» ишлаб чиқариш бошқармаси аҳолига етказиб бераётган ичимлик сув сифатини текширдилар.

Бу ерда ичимлик сувга хлор керагидан ортиқча аралаштирилаётгани маълум бўлди. Сувга солинадиган хлор миқдори чамалаб аниқланар экан, бу нуқсон учун марказий сув иншооти муҳандиси жарима тўлашга мажбур бўлди.

Қорақалпоғистондаги Тахтакўпир ва Қораўзак туман сув қувурларида ҳам ичимлик сув таркибидаги хлор миқдори ҳаддан ташқари кўп экани аниқланди. Бу ерда технология интизомига, сув қувурларини ювиб тозалаш жадвалига риоя қилинмас экан.

Мазкур корхоналардаги аҳволни шошилинч равишда ўнглашга тўғри келди. Қоидани бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиб, текшириш маълумотлари юқори ташкилотларга юборилди.

ЯНА СУВ ТЎҒРИСИДА...

Энди гап Сирдарё туманидаги маъданли сувни идишларга қуйиш билан шуғулланадиган масъулияти чекланган «Ситора» жамияти тўғрисида боради.

Бу ерда текширилган маҳсулот туркумини сотиш тақиқлаб қўйилди. Чунки жамият ходимлари ўз масъулиятини чеклаб, маҳсулотларга корхона тамғасини босишни ўзларига эп кўришмаган. Бирлашмада мебель ишлаб чиқариш тўхтатилди. Назоратчилар камчиликларни тугатиш муддатини белгилаб бердилар.

БИНОКОРЛИК АШЁЛАРИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Ўзбекистон давлат стандарти қудуқлар учун сифатсиз бетон гирдлар тайёрлагани учун «Оролсувхўжаликқурилиш»га қарашли Тахиатош темир-бетон буюмлар заводига юз минг сўмдан ортиқ жарима солди.

«Ўзавтойўл»га қарашли Бухоро асфальт-бетон заводи ҳам анча жарима тўлади. Чунки ўлчов асбобларининг ҳаммаси носоз бўлиб чиқди. Маҳсулот сифатини назорат қилиш лабораторияси аттестациядан ўтмаган, корхонада эскирган, едирилган ускуналардан фойдаланилмоқда. Бундан мазкур заводда ҳам, бошқа корхоналарда ҳам тегишли хулоса чиқариб олинади, деб ўйлаймиз.

(ЎзА).

Қилмиш-қидирмиш

СИГИРНИ ЕТАКЛАГАН ҚЎЧҚОР

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. У зерикканидан эски ҳунарини кўрсата бошлади. Қишлоқда қўйини, сигирини йўқотганлар милицияга югурадиган бўлдилар. Аммо, бошқалар жим.

Жиноятчига эса ҳудди ана шундай жимлик керак. Атрофдагиларнинг лоқайдлиги уни «катта-катта» ишлар қилишга ундайди.

Қорақўллик Илҳом Холлиевни қайта-қайта ўғрилик қилишга ҳам ҳудди ана шу «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилидаги кишилар «илҳомлантирди».

И. Холлиев 1994 йил 4 январдан 5 январга ўтар кечаси Қорақўл туман Раҳимбердиев номли жамоа хўжалигининг 2-бригадасида яшовчи Сафарбой Файзуллоевнинг сигири, қўшниси Сайфулло Каримовнинг қўйини ўғирлади.

Ўша тунги қилгиликни Илҳом судда шундай изоҳлайди: «Сафарбойнинг молхонасидан бир бош сигирни якка ўзим ўғирладим... Қоронғида сигир юрмади. Шу сабабли Каримов Сайфуллонинг ҳам бир бош қўчқорини олиб чиқдим».

Ёлғизликни ҳайвонлар хушламаслигини кашф этган И. Холлиев энди қўша-қўша мол ўғирлашга киришди. Бир бош қўй ёки сигир учун бутун тун овора бўлишни ўзига эп кўрмади.

Оралиқ кўп ўтмай, 10 январдан 11 январга ўтар кечаси К. Маркс номли жамоа хўжалигида яшовчи Камол Жабборовга тегишли икки бош қўйни яширин равишда ўмарди.

1994 йили 23 январдан 24 январга ўтар кечаси бу ҳол яна такрорланди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги 4-бригадасида яшовчи Рўзимбой Бобожонов, Ботир Курбонов, Асқар Очиловларнинг битталан қўчқорини ўз уйига келтириб боғлаб қўйди.

Қорақўлда пичоққа илинадиган қўй қолмади шекилли, Илҳомнинг навбатдаги сафари Олот тумани томон бўлди. 1994 йил 18 мартдан 19 мартга ўтар кечаси тумандаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида яшовчи Ширинбой Ҳамроев ва Омонгул Ҳаққиеваларнинг сигирлари йўқолди. 1994 йил 6 апрелдан 7 апрелга ўтар кечаси Аҳмад Ҳайитов, 28 декабрдан 29 декабрга ўтар кечаси Панжи Ражабов хонадонларида ҳам ана шундай йўқотишлар содир этилди.

Тинчгина уйларга кириб ғоҳ қўй, ғоҳ сигирни етаклаб ўзиники қилиб олиш Илҳом Холлиевга оддий машғулотга айланди. Ҳеч ким мушугини «пишт» демагач, бундай даромад қилиш унга «завқ» бағишлайверди.

Бир деҳқон сигирли ё қўйли бўлиш учун йиллаб жазирама иссиқда, ёмғирли, совуқ кунларда тер тўкади. Меҳнати самарасини кутиб куз саҳоватига илҳақ бўлади. Яна зарур сарф-харажатлардан орттиролса, мол ёки қўйли бўлади, бўлмаса йўқ.

Илҳом эса бир кечанинг ўзида ҳам сигирли, ҳам қўйли бўлаяпти. Бу ҳам қаҳрамонимизни қаноатлантирмади. 1995 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Қорақўл туман «Бухоро» хўжалигида яшовчи Мамат Рўзиевнинг томорқасига ўғирликка тушди.

Ниҳоят... Ниҳоят, 13 май эрталаб Илҳом Холлиевнинг фаолиятига нуқта қўйилди. У йигирма ой давомида кўнглига келганини қилиб юрди. Оила аъзолари, қариндошуруғлар, таниш-билишлар Илҳомнинг кирдикорларига томошабин бўлиб юравердилар. Ака-укалар ўғрилик жиноят эканлигини била туриб, жигарларини йўлдан қайтариш ўрнига, унга хайрихоҳлик қилдилар, ёрдам кўрсатдилар.

Жиноятчи судда қўйларни сўйиб, Тошкентга пуллаганини айтади. Ҳўш, кимлардир унга кўмаклашмаса, қидирувдаги шахс қандай қилиб ўғирлик молларни бир ўзи ўлдалай олади?

Судланувчи «...қўйни сўйиб гўштини холаваччам Юсуф Раҳматовга элтиб бердим. Шу кеча Қорақўл станциясида яшовчи укам Марлоннинг уйига элтиб бер. Поезд билан Тошкентга олиб кетаман, дедим. Қўчқор ўғрилик эканини ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилдим», дея кўрсатма беради судда. Ҳар бир жиноятчи ҳақида гапирганда «якка ўзим қилганман» деб қайта-қайта таъкидлайди.

Бироқ, бир кечада уч қўйни, кейинги тунда эса икки сигирни бир киши ўғирлай олмаслиги оддий ҳақиқат-ку! Таажжубланарли томони шундаки, судда жабрланувчиларнинг аксарияти судланувчига нисбатан даъволари йўқлигини баён қилганлар. Жабрланувчи Ислом Отамуродов эса қўчқори топилмаган бўлса-да, Илҳом Холлиевга нисбатан даъвоси йўқлигини айтади.

Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Илҳом ҳаммани қўрқитиб олганми, ё ўзбекона юз-хотир ўртага тушаяптими? Аслида Илҳомнинг онаси, ака-укалари унга тўғри йўлни кўрсатишлари, йўқса ички ишлар ходимлари кўмагида уни жиноятдан жиловлашлари лозим эди, бироқ...

Илҳомнинг навқирон 30 ёшида панжаралар ортида ҳаёт кечиришига аввало, ана шу жон-жигарлари айбдор эмасмикан?

Жиноятчига хайрихоҳлик, унга кўмаклашиш ҳам жиноят эканлигини фуқароларимиз унутмаслиги лозим.

Юсуф Раҳматов ҳам ўғрига шериклик қилгани, ўғирланган сигирни молхонасида сақлагани, ўғирлик қўйнинг гўштини Тошкентга юборишда ёрдамлашгани учун тўрт йил озодликдан маҳрум этилди. Оиласи, уч фарзандидан узоқда яшашга мажбур бўлди.

Ўн беш йиллик озодликдан маҳрум этиш Илҳомни тавбасига таянтирармикан? Юсуф ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқарармикан?

Жиноятчилар жазоланган бўлса-да, бу каби саволлар кишини қийнайди. Лоқайдлик туфайли содир этилган адашишлар жавобсиз саволларни туғдираверади. Биз ана шундай саволлар туғилмаслиги учун курашмоғимиз, инсонга бериладиган умрни тотли ўтказишга эришмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Абдуҳамид НАСРИЕВ,
Бухоро вилояти, Қорақўл туман суди раиси,
Дилором ҲАЛИМОВА,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



ТЎРТКЎЛНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Аҳоли зич жойлашган бу шаҳарда яқинда янги гузар тикланиб, фойдаланишга топширилди. Ана шу маиший хизмат мажмуи 6 гектарни эгаллаган бўлиб, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиладиган усти ёпиқ бозор, 9 та озиқ-овқат ва саноат моллари дўкони ҳамда дорихона мавжуд.

Шарқона услубда барпо этилган бозор, айниқса, шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди. Унинг ёнида эса янги теннис корти ҳам ишга туширилди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган ушбу масканда спортчилар ва томошабинлар учун барча қулайликлар яратилган.

Мазкур хизмат кўрсатиш мажмуи Қорақалпоғистон матлубот жамияти улгуржи-чакана кооперативи маблағи ҳисобига тез ва соз қурилди.

СУРАТЛАРДА: янги гузарнинг кўринишлари; болалар ўйинчоқлари дўконида; бозорга шу дарвоза орқали кирилади.

А. МУРОТОВ олган суратлар. (ЎзА).

Ислоҳот—амалда

БАНК ТИЗИМИДА ЯНГИЧА ҲИСОБ-КИТОБ

У жаҳон андозалари талабига тўлиқ жавоб беради

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг банк тизими техник жиҳатдан собиқ Иттифоқ давлатлари ўртасида етакчи ўринлардан бирига чиқиб олганлиги кўпчиликка маълум. Республикамизлаги тижорат банклари, уларнинг бошқарма ва бўлимлари ягона электрон тизимга улангани, шу туфайли тўловлар юртимизнинг истаган бир нуқтасидан иқкинчисига муайян соатларда ўтаётганлиги халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Бироқ банк тизимининг техник жиҳатдан мукаммаллашуви унинг жаҳон андозалари даражасига кўтарилганлигини биллирмайди, албатта. Банкнинг мижозларга тез ва соз хизмат кўрсатиши, турли операцияларнинг самарали амалга оширишда ҳисоблар режасининг тўғри ўрни ҳам бениҳоя кагтадир. Шунинг учун мустақилликнинг илк дамларидаёқ бундай режани жаҳон андозаларига мос равишда қайтадан ишлаб чиқиш масаласи Марказий банкнинг энг устувор вазифаларидан бирига айланганди.

-- Шу мақсадда 1994 йили у Жаҳон банки ёрдамида бухгалтерия ҳисоб-китобларини ислоҳ этиш бўйича танлов-тендер эълон қилган эди, -- дейди Марказий банк матбуот хизмати раҳбари Акбарали Сирожиддинов биз билан суҳбатда. -- 1995 йилнинг январь ойида эса танлов-тендер голиби -- Америкининг «Артур Андерсен» фирмаси билан бирликда мазкур вазифани амалга оширишга киришилиб, белгиланган муддат -- салкам икки йил мобайнида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди томонидан маъқулланган, Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига жавоб берадиган ҳисоб-китоб режаси тайёрланди.

Яқинда Марказий банкда ана шу янги бухгалтерия ҳисоб-китоб режасини таништиришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий банкнинг барча ҳудудий бошқармалари, тижорат банкларнинг ҳисобчилари ва бошқа мутахассислар иштирок этди.

Ўқув-семинарда таъкидландики, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиётган ҳозирги шароитда банкмолия ҳисоботларидан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, давлат назоратида бўлган банкларнинг хусусийлаштирилиши туфайли бу жараён янада жадаллашиши кутилмоқда. Чунки акциядорлар банкнинг дивиденд тўлаш қобилияти тўғрисида, сармоядорлар ўз маблағлари билан боғлиқ хавф-хатарлар ва олиши мумкин бўлган фойда, хорижий банклар банкнинг активлари, даромадлари ҳамда сарф-харажатлари хусусида тўлиқ ахборотга эга бўлишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Афсуски, амалдаги ҳисоб-китоб режаси барча зарур ахборотларни етказиб беришга ожизлик қилаётир.

Шу маънода, 1997 йилнинг биринчи январидан бошлаб банк тизимида тўла жорий этилиши режалаштирилаётган янги бухгалтерия ҳисоби фақат юқорида тилга олинган муаммоларни ҳал қилибгина қолмасдан, балки банк фаолиятининг самаралорлигини ҳам кескин оширади. Маҳаллий банклар эса мазкур режа асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар орқали хорижлаги молия ташкилотларини ҳамкорликка чорлаш ва улар билан жаҳон андозалари даражасида иш олиб бориш имконига эга бўладилар. Негаки, чет эл банклари, бизнес муассасалари республикамиздаги банкларнинг молиявий фаолияти, кучи, хавфсизлиги ва барқарорлигини ўрганиш чоғида фақат Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозалари бўйича тайёрланган, жаҳонда тан олинган аудит фирмалари томонидан текширилган молиявий ҳисоботларгагина таянадилар.

Мустақил Ўзбекистон банк тизимида мазкур бухгалтерия ҳисоб режасининг тўла татбиқ этилиши мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий сармоялар ҳажмининг ошишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугуннинг гапи

ЧАРХПАЛАКНИ ҳаммамиз кўрганмиз. Ўзини кўрмаганлар ҳам унинг нималигини, қандай ишлашини билишади: бир учи оқар сувга ботиб айланаётган улкан ғилдиракка ўрнатилган идишлар дарёдан олган сувни юқорига кўтариб, бир маромда ариққа қуйиб туради ва бу сув экинзорларни суғориб яшнатади, ўнлаб, минглаб кишилар чанқовини қондиради. Халқимиз орасида тарқалган «Бу дунёнинг иши чархпалак» деган ибора замирида ҳам кўп қиррали маъно бор.

ЧАРХПАЛАК

ёки чет давлатлардан келтирилаётган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари кимларнинг тегирмонига сув қуяётгани-ю, кимларнинг соғлиғига зарар етказаётгани ҳақида

Бугунги кунда мустақил давлатимизга узоқ-яқин чет элларидан келтирилаётган катта миқдордаги турли озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ночорлиги, баъзан эса улар инсон соғлиғига зарарли бўлиб чиқаётгани ва шунга қарамай қандайдир йўллар билан бозорга етиб бораётгани, валюта-пул муносабатларида кимларнинг-дир бойиши манфаати йўлида рўй бераётган бекинмачоқ ўйинига ўхшаш фактларни таҳлил қилатуриб, беихтиёр ана шу чархпалак ҳақидаги гаплар ёдга келади.

Бу чархпалакнинг айланишига қараб, лол қоласан: катта-кичик лавозимларни эгаллаб ўтирган айрим одамлар зиғирдай шахсий манфаатни деб давлатининг ботмонлаб бойлигини чет элликлар қўлига тутқазиб юборса, қайсидир лавозимда ўтирган одам ўз халқи соғлигига путур етишини ўйламай-нетмай ҳужжатга имзо чекиб юборавера... Нега, нега шундай бўлаяпти, нега бу кишиларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуси йўқ? Бундай ишларга қўл ураётган ўша кишилар бу ишларни очяланғоч қолаётганидан-ночорликдан қилишмаяпти-ку, ахир?!

Жавоб битта: маънавият оқсоқ! Инсонпарварлик, ватанпарварлик, юртим деб, элим деб ёниб яшаш туйғуларининг бари ана шу маънавиятга бориб тақалади. Инсон қалбида виждон бўлмас экан, инсоф-диёнат, Она-юртга муҳаббат, халққа меҳр-оқибат туйғулари бўлмас экан, ундайларнинг йўлини божхона, солиқ, милиция билан тўсиш ночор ҳаракатлар бўлиб қолаверади. Бевосита Ватан, эл-юрт бойлигини муҳофаза қилишга, қудратини оширишга, иқтисодиётини юксалтиришга даъват этилган каттакичик лавозимларда ўтирган инсонларнинг, аввало, қалбида зараркунанда ҳаракатларга нисбатан тўсиқ бўлиши керак.

Худди шунинг учун ҳам бугун Президентимиз Ислом Каримов маънавиятни иқтисоддан ҳам устун даражага олиб чиқиб, халқимиз маънавиятини ошириш, элим-юртим дейдиган инсонларни тарбиялашни долзарб масала сифатида ўртага ташламоқдалар.

Келинг, азиз газетхон, энди, юқоридаги мулоҳазаларнинг тугилишига сабаб бўлган фактвоқеалардан бир нечтасига биргалашиб назар ташлайлик.

Шу йил 7 августда Сурхондарё вилоят божхона хизмати ходимлари 2 та улкан «Мерседес-Бенц» юк машиналарида Афғонистондан ўтиб келган 60 тонна унни текшириб кўрганларида, у мутлақо истеъмолга яроқсиз деб топилди: мита тушиб кетган, айниган, бунинг устига дуст дорисининг ҳиди келарди. Бу маҳсулотни Термиздаги «Баққоллик» (директор Т. Умаров) ҳиссадорлик жамияти сотиб олган. Суриштирувлардан маълум бўлишича, ун Эрондан Афғонистонга келтирилган ва у аслида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган. «Борадорони Софи» деб аталмиш фирма шоввозлари Термиздаги акахонларига бу маҳсулотни қандай қилиб ўтказишган, фақат ўзларига аён. Мазкур факт бўйича Сурхондарё вилоят прокуратурасида қўзғатилган жиноят иши ҳам баъзи саволларга жавоб топса керак, деб ўйлаймиз.

Ҳозир фақат бир нарса равшан: агар шунча маҳсулот божхона хушёрлигисиз манзилга етиб борганида, қанча харидорни— халқни чув туширган ёки соғлиғига зарар етказган бўларди. Чунки, сотиб олган одам уни ташлаб юбориши керак, ташлашга қурби етмайдиган оилада у истеъмол қилинса, саломатликка путур етади. Дарвоқе, етиб бораётганлари қанча?!

Масалан, ёзи билан диёримиздаги минглаб тижорат дўконларида сотилган ЮППИ, ЗУККО деб аталмиш ичимлик қукунларини олиб кўринг. Қукунни сувга солсангиз -- салқин ичимлик тайёр. Болаларга уни тайёрлашнинг ўзи қизиқ бўлгани учун ҳам сотиб олинади. Ичган одам пайқагандир, ундан қандайдир билинар-билинмас дори мазаси ҳам келади. ТОШМИнинг 3 нафар профессори ва 7 нафар фан номзодларидан иборат комиссия ЮППИ ичимлигини атрофлича лаборатория анализларидан ўтказиб, уни инсон соғлигига зарарли деган хулоса ёзиб беришди ва 1996 йил июндаги бу хулоса илмий ишлар бўйича проректор М. Ҳожибоев томонидан тасдиқланган ҳам. Ушбу хулоса Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги масъул кишиларга тақдим этилган бўлишига қарамай «Санитария-гигиена институтининг ЮППИ истеъмолга яроқли деган хулосаси бор» деган важни рўкач қилиб, кўп фирмаларнинг бу маҳсулот билан савдо қилишига рухсат берилган.

Энди, у ундоқ деган, бу бундоқ деган гаплардан юқорироқ чиқиб, масалага кенгроқ назар ташлайлик: дунёнинг қайсидир мамлакатларида қандайдир усуллар билан қанақадир сифатли-сифатсиз мевалардан тайёрланган мана шу кукунлар бизга керакми? Ахир Ўзбекистоннинг ноз-неъмати, хусусан мевалари дунёдаги энг ширали ва шифобахш мевалар эканини ҳаммага маълум-ку! Нега қўшма корхоналару фирмалар ана шу сифати шубҳали, сувга тушгач соб бўладиган бир дақиқалик кукун ўрнига, гоҳида айрим кишиларнинг нўноқлигию, шўродан мерос қолган сансалорликлар оқибатида катта қисми исроф бўлиб чириб кетаётган ширин-шарбат мевалардан аъло сифатли ичимликлар ишлаб чиқарадиган технологияларни сотиб олиб келиши мумкин эмас? Рост, бу жуда катта, меҳнат талаб иш, унинг устига ЮППИ каби уч-тўрт кунда мўмай пул бера қолмайди. Лекин биз бугун фақат ўзимиз учун, бугунимиз учун яшайверсак, эрта ва индинга қоладиган фарзандлар, авлодлар ҳам чет элдан сув ташиб келиб кун кўриши керакми? Ўшанда улар бугунда яшаб ўтган ота-буваларига қандай баҳо беришаркин?

Қаранг, 1996 йилнинг ўзида Ўзбекистонга жисмоний шахслар (якка тартибда) томонидан 500 минг АҚШ долларига, юридик шахслар (фирмалар, корхоналар) томонидан 5 миллион 700 минг АҚШ долларига ана шундай чет эл салқин ичимликлари келтирилибди...

Мана бу воқеа эса бу дунёнинг ишлари чархпалак эканининг худди ўзи.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмасидаги ҳисоб-китоблар бўйича, биз пахта ёғи билан халқимизни бемалол таъминлай оламиз. Хўш, унда нега дўконларда тез-тез пахта ёғи камёб маҳсулотга айланиб қолади. Масалан, шу кунларда ҳам қайси дўконда эллик-олтмишлаб харидорлар навбатда турса билингки, улар пахта ёғига навбатда туришибди. Кундалик ҳаётимизда шўродан қолган хунук меросларидан бири--дўкон олдида турнақатор навбатларни кўрмаганимизга анча бўлиб қолган эди, бугун ана шу ёқимсиз манзара пахта ёғи туфайли ўтда-бетда яна кўзга ташлана бошлади. Хўш, нима гап?

Бу саволга ёғпазлар «ёлғон, ҳамма дўконларда ўсимлик мойи бор!» деган хитоб билан жавоб беришлари мумкин. Рост, бор. Лекин улар ўзбекнинг ота-буваси еб ўрганган пахта ёғи эмас, кунгабоқар ёғи, соя ёғи, яна чет эллардан келтирилган алламбало ёғлар. Нархи осмонда. Ҳамманинг ҳам қурби етавермайди уни харид қилишга. Қолаверса, сифати шубҳали. Қизиғи шундаки, кейинги пайтда дўконларда «Ўзбегим» деган пахта ёғи ҳам пайдо бўлди. Уни қўшма корхона ишлаб чиқараяпти. Тадбиркорлик, тараққиёт яхши нарса. Бироқ, булар аввало, халқ манфаати учун, халқнинг оғирини енгиллатиш учун хизмат қилиши керак, аксинча эмас. Гап шундаки, «Ўзбегим» ёғининг нархи оддий пахта ёғидан деярли икки баравар қиммат. Қўшма корхонада ўша оддий пахта ёғи яна бир марта тозаланиб, янги номда чиқарилаяпти, холос. Унга асал ёки қимматбаҳо шифобахш витаминлар қўшилаётгани йўқ.

Бу ҳам майли. Ўзбекистоннинг пахта ёғи чет элга арзонга сотилиб, бошқа чет эллан биэникидан сифатсизроқ пахта ёғи деярли уч баравар қиммат баҳода сотиб олинаётганига нима дейиш мумкин?

Россиядаги «Меркуриус» савдо уйининг хатига асосан, Қўқон ёғмой корхонасидан Қозоғистон Республикасининг «Шимкентёг» корхонасига 141 минг 900 килограмм пахта ёғи жўнатилаётганда божхоначилар уни текширишдан ўтказдилар. Мавжуд ҳужжатлар бўйича унинг килоси 0,62 цент (32 сўмга тенг), божхона юк баённомасида «техникавий ва саноат ишлаб чиқаришда қўллаш учун, одам истеъмол қиладиган озиқ-овқатдан ташқари» деб ёзиб қўйилибди. Қўқон ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятидан берилган Сифат гувоҳномасида эса бу ёғ 1128-75 ГОСТИга мослиги белгиланган. Яъни, мазкур стандартдаги ёғ технологик қайта ишловдан сўнг истеъмолга яроқлидир. Юқоридаги Сифат гувоҳномасининг мазкур маҳсулотга мослилигини ёғни Бош божхона бошқармаси марказий экспертиза лабораториясида ўтказилган текширишлар натижаси ҳам тасдиқлади.

Озарбойжон Республикасидан «Ангренсавдо» ҳиссадорлик жамиятига олиб келинган 124 минг 500 килограмм пахта ёғининг сифати эса юқорида эслатилган 1128-75 ГОСТ талабларига мос келмайди, унинг таркибидаги бензин қолдиги ГОСТда белгиланганидан ортиқ бўлиб чиқди. Шунингдек, маҳсулот сифати божхона юк баённомасида белгиланган кодга ҳам тўғри келмайди. Ва бу ёғнинг ҳар бир килограмми 1,55 цент (79 сўм 05 тийинга тенг) дан сотиб олинган!

Демак, Ўзбекистоннинг Қозоғистонга жўнатилаётган пахта ёғидан сифатсизроқ бўлган бу ёғнинг баҳоси салкам уч баравар қиммат. Сифатлироқ ёғ чет элга 32 сўмдан сотилмоқда, ундан сифатсизроқ ёғ чет эллан 79 сўмдан сотиб олинаяпти. Иккаласи ҳам -- пахта ёғи.

Ана чархпалак! Бу чархпалак кимнинг экинини яшнатиб, кимникини қуритаяпти? Нега «Ангренсавдо» минглаб километрдаги Озарбойжондан пахта ёғини 1,55 центдан олиб келиш ўрнига, 100 километр нариданги Қўқондан 0,62 центдан олиб келиши мумкин эмас. Бунинг устига Қўқондаги ёғ Озарбойжондагидан сифатлироқ бўлса...

Айниқса, мамлакатимизга чет элдардан олиб келинаётган кўплаб спиртли ичимликларнинг сифати хавф тугдирмоқда. Энг ёмони, бу -- кўзга кўринмас хавф. Айрим ароқ-коньяклар таркибидаги заҳарли модда инсон организмига тезда таъсир кўрсатиб ўзини билдирса, кўп қисмида сивуш мойлари миқдорининг юқорилиги тезда билинмайди, у инсон организмига секин-аста, ой ва йиллар давомида таъсир кўрсатади, секин-аста заҳарлаб боради. Худди мана шу хавфнинг олдини олиш учун ҳам шу йил 1 октябрдан спиртли ва тамаки маҳсулотларига акциз маркалари ёпиштириш жорий қилинди. Шунга қарамай, ҳамон сифатсиз маҳсулотлар келтирилиши давом этмоқда. Масалан, Тошкентдаги «Дипломат--Т» деб номланмиш фирмага келтирилган, Германияда ишлаб чиқарилган «Россия» деб аталмиш бир литрлик ҳажмдаги 24 минг 657 шиша ароқ лаборатория текширувидан ўтказилганида, унинг истеъмолга яроқсизлиги маълум бўлди. Ҳолбуки, «Ташэкспертиза» фирмаси томонидан бу маҳсулотга шу йил 6 сентябрда Сифатга мувофиқлик сертификати берилган.

Чет эллардан олиб келинаётган қуруқ сут маҳсулотининг сифатсизлиги ташвиш тугдирмоқда. Бунақа фактлар жуда кўп. Масалан, Самарқанд вилояти божхоналари «Юқори нуқта» постида тўхтатган 25-97 ТНТ номерли КамАЗ машинасида салкам 7 тонна қуруқ сут бор экан. Янгийўл қандолат фабрикасининг экспедитори А. Мўминов Бухородаги «Ал-Барака» фирмасидан олиб келаётган бу маҳсулот Самарқанд вилоят стандартлаш ва метрология марказида текширудан ўтказилганида, у истеъмолга яроқсиз экани аниқланди. Ундан фақат молга озуқа сифатида фойдаланиш мумкин экан. Агар божхона назоратидан четда қолса, уни сиз билан биз фалон сўмлик шоколад конфетлар шаклида истеъмол қилган бўлар эдик. Ҳозир ҳар қадамда кўча-кўйда сотилаётган, кичик корхона ва цехларда ишлаб чиқарилган, оғизга солганда конфет ўрнига хамиртуруш мазасини берадиган «шоколад»лар худди мана шунақа озуқабоп маҳсулотлардан тайёрланаётгани шубҳасиз.

Хўп, бунақа маҳсулотлар қандай йўллар билан кириб келаяпти мамлакатимизга, ахир уларнинг сифатини текширадиган ва ҳужжат ёзиб берадиган давлат назорат ташкилотлари бор-ку!

Ҳа, бор.

Бир нечта. Бу ташкилотлар мол тўлиқ ҳажмда Ўзбекистонга кириб келгач, белгиланган мавжуд тартиб-қоидалар асосида, божхона хизмати вакили иштирокида бу молдан намуна олиши, далолатнома ёзиши, сўнг текширув хулосасини бериши керак. Ҳолбуки, айрим ташкилотлар мол ҳали Ўзбекистонга келмасдан туриб ўша молга Сифатга мувофиқлик сертификатини бериши, юмшоқ қилиб айтганда, жуда қизиқ! Масалан, Германиядан «Сервис торг» корхонасига 1996 йил 25 октябрда келган 67 тонна 500 килограмм -- 37.125 долларлик қантга «Ўздавстандарт» 23 сентябрда Сифатга мувофиқлик сертификатини берган, Англиядан «Белтон Трейдинг» улуш корхонасига 23 ноябрда кириб келган 77.922 долларлик 59 тонна пивога «Ўздавстандарт» 28 августда Сифатга мувофиқлик сертификатини берган.

АҚШдан Навоийдаги қўшма корхонага 12 октябрда келган 29,7 тонна--23.464 долларлик салқин ичимликка вино ва консерва маҳсулотларини сертификациялаш органи 3 сентябрда Сифатга мувофиқлик сертификатини берган.

Қаранг, бир неча ўн тонналаб ичимлик ва ичкиликлар ҳали олис чет элларда турибди, балки ишлаб чиқарилмаган ҳам, Ўзбекистонда эса унинг аъло сифатли -- истеъмолга яроқли эканига ҳужжат имзоланиб бўлган.

Чархпалак!

Бунақада сифатга қандай кафолат бўлиши мумкин? Умуман, юқоридаги фикрни яна такрорлаймиз, чет элдан ичимлик ва ичкилик сотиб, олиб келишга биз муҳтожмизми, эҳтиёж борми шунга? Агар эҳтиёж бўлса, нега ишбилармонлар, тадбиркорлар бу маҳсулотлар ўрнига, ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган технология олиб келиб, кичик корхона ва цехлар қуриш ҳаракатини қилишмайди? Ахир хусусий кишилар хусусий ертўлаларда хуфёна ароқлар ишлаб чиқаришни уддалашяпти-ку, ҳужжатли тадбиркорлар, фирмачилар улардан кўра саводсиз эмасдир...

Энг ачинарлиси, ичимлик, ичкилик, сигарет, резина сақич ва бошқа шу каби, бўлар-бўлмас маҳсулотлар асосан қаттиқ валютага--АҚШ долларига олиб келинмоқда. Бу валюта эса халқимизнинг, деҳқону пахтакорларимизнинг йил-ўн икки ой пешона тери тўкиб етиштирган мева-чеваси, пахта толаси, минг бир машаққат билан маъдандан ажратиб олинаётган олтинимиз эвазига келган қимматли маблағдир.

Ўтган ҳафтада Президентимиз Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов билан бирга республика ва чет эл журналистлари билан ўтказган матбуот конференциясида бугунги ижтимоий-сиёсий вазиятни атрофлича шарҳлаб, чет эллардан келтирилаётган сифатсиз, кераксиз мол-маҳсулотлар кўпайиб кетганига эътиборни қаратдилар. Бу бежиз эмасди. Конвертациянинг вақтинча тўхтатиб қўйилгани ҳам шу масала билан боғлиқ. Айрим чет эллик ишбилармонлар маҳсулот ниқоби остида валюта олиб келиб, уни бозорда қимматга сотиб, сўнг гўёки Ўзбекистонда «сотган маҳсулоти»нинг сўмини арзон валютага алмаштириб -- конвертация қилиб олиб кетган ҳоллари ҳам аниқланди.

Матбуот конференциясида таъкидланганидек, энг ривожланган давлатлар ҳам ўз пулининг конвертациясига бир неча ўн йиллар мобайнида эришган, Ўзбекистон эса бунга атиги 3 йилда эришди. Хорижий ва ўз ишбилармонларимиз томонидан буни суиистеъмол қилиб ўз пулимиз қадрини туширишга, эл-юрт бойлиги ва мулки бўлмиш қаттиқ валютанинг беҳуда исроф бўлишига, турли ноҳалол йўллар билан давлатимиздан ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак.

1997 йилдан фақат сифатли маҳсулот олиб келганлар конвертациясини олаверади, дейилган даъват бу йўлдаги тозалашга хизмат қилиши миллионлаб кишиларнинг қалбига илиқлик ва ифтихор бахш этгани шубҳасиз.

Шу учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистон бугун катта қурилиш майдонига айланди. Биз бугун катта-кичик корхоналар қураяпмиз ва бу корхоналар учун бизга замонавий технологиялар керак. Резина сақич, қоғоз печенье, заҳарли ароқ ва бадбўй сигаретларни эмас, уларни ишлаб чиқарадиган технологияларни сотиб олишимиз зарур.

Бу мақсадларга эришмоқ учун, катта-кичик лавозимлору ловозимсиз кишилар, ишбилармону тадбиркорлар қалбига заррача бўлса-да Ватан, ватанпарварлик туйғуси жо бўлмоғи учун, юртбошимизнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган қанотли сўзларини яна бир бор эсламоқ жоиз: **«Бу азиз Ватан—барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш -- шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун Бахтдир».**

Шундай Бахт ҳар кимга ҳам насиб этсин.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

Бўстонлиқ туманида фаолият кўрсатаётган «Конвит» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси шу йил апрель ойида ишга тушган эди. Айни чоғда корхонада соатига икки тонна «Крекер» печеньелари ва 30 килограмм вафли ишлаб чиқариляпти. Маҳсулот маҳаллий хомашёдан тайёрланганлиги боис, унинг таннархи анча паст.

Яқин келажакда ғазалкентликлар қанд ўрнига ишлатиладиган хомашё асосида парҳез печенье ва вафли тайёрлашни ҳам мақсад қилиб қўйганлар. Бундан ташқари ҳиндистонлик ҳамкорлар билан маҳсулот қадоқлаш материалларини олиб келиш бўйича шартнома мавжуд. Шу сабабли янги йилдан бошлаб корхона маҳсулоти савдога чиройли ўрамларда чиқарила бошлайди.

Суратда: операторлари Ольга Домке, Муҳайё Эргашева ва лаборатория бошлиғи Вера Калюгловалар.

Равшан НУРИТДИНОВ олган сурат. (ЎзА).

Тўйхат

ПИРУ БАДАВЛАТЛИК

Иброҳим ака саксонга кирибди. Буни эшитганлар ҳали ёш кўринадилар-ку, деб ҳайратга тушгандек бўладилар. Кўринишлари тетик ва бардам, юришлари чечан, фикрлари уйғоқ ва теран.

Бир донишманддан сўрабдилар: «Инсондан дунёда не қолур?». Шунда у: «инсондан уч нарса: ёзган мазмунли китоблари, ширин-шакар фарзандлари ва ниҳоят, одамларга қилган яхшиликлари, ҳамиятли ишлари», -- дебди. Ўйлаб қарасак, ўша уч нарса ҳаммага ҳам насиб этавермас экан. Аммо Иброҳим ака унга эришган.

Ёзувчи билан бундан қарийб эллик йил илгари танишганман. Ўша вақтда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)га адабий ходим бўлиб ишга келган чоғларим эди. Баҳром Раҳмонов юқори лавозимга кўтарилиб кетди-ю, Иброҳим Раҳим унинг ўрнига тарғибот бўлимига мудир этиб тайинланди. Дастлаб, янги мудир келганини эшитиб негадир кўнглим тўлмади. Эртасидан эса илиқ ва меҳрли дўстона ҳамкорлик бошланди.

Республикамизнинг энг нуфузли газетасида ишлаш, унинг дорилфунунида ўқиб, ўрганиш нақадар шарафли эди. Биз Иброҳим ака билан оғир кунларни ҳам, шодиёна дамларни ҳам, азобни ҳам, қувончни ҳам бирга баҳам кўрдик. Уйга ҳам бирга қайтардик. Кўпинча трамвайга чиқмасдан яёв гаплашиб кетардик. Бир куни жуда қизиқ бўлди. Ўрда, Шайҳонтоҳур, Сирли Масжид, Эски Жўвага яқинлашамиз. Гап, сўз йўқ. Ҳайрон бўламан. Кейин билсам, фикр-зикрлари ўша кезлари ёзаётган «Ҳаёт булоқлари» романида экан.

Шундай қилиб, йиллар ўтиб борарди. Баҳор айёми эди. Кечқурун биргалашиб яна ўша йўлдан уйга қайтдик.

Эртаси куни ишхонада негадир барча мени табрикларди.

-- Нима гап ўзи, -- сўрайман ҳайратда.

-- Мудирингиз газетага бош муҳаррир этиб тайинланди, хабарингиз йўқми?

Янги муҳаррир зўр ғайрат ва ҳавас билан ишга киришиб кетди. Ўзи ҳам ишларди, бошқаларни ҳам шундай ишлашга ўргатарди.

Турғунлик йиллари газетачининг ҳаёти доим қил устида турарди. Айниқса, коммунистик тартиб-қоидалар руҳиятимизни эзиб ётган замоналарда битта оддий хато учун ишдан кетиш ҳеч гап эмас эди. Иброҳим ака «Гулистон» журналида ишлаган кезларида биринчи марта юрак ютиб «Темур тузуклари»ни эълон қилиб юборди. Миллий анъаналар, удумлар, кўҳна тарихимиз топталган ўша оғир даврларда «Тузук»ларнинг журналда босилиб чиқиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Адиб «Муштум»да бош муҳаррир бўлиб ишлаган чоғларида эса Зоҳиджон Обидовнинг «Арслоннинг ўлими» сарлавҳали масали босилиб чиқди. Ўшанда Шароф Рашидов вафот этган, республикадаги ижтимоий муҳит жуда оғир эди. Ўзбекистон номига, халқимиз шаънига бўҳтон-адоват ёғдирилиб, сунъий равишда елкамизга «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тамға осиб қўйилган, миллатимиз обрў-эътиборини бадном этмоқчи бўлган эдилар. Масалнинг босилиб чиқиши билан меҳнат таътили вақтида дам олаётган муҳаррирни ноҳақ ишдан олиб ташлашди...

Хуллас, иссиқ ва совуқни, яхши ва ёмон кунларни бошдан кечирган севимли ёзувчимиз, журналист, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Раҳимнинг пиру-бадавлатлик ёши муборак бўлсин. Оллоҳ ул зотнинг умрини янада узун қилсин.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ХОРИЖЛИК ХАРИДОРЛАР ХУРСАНД

Қўқондаги «Электромаш» заводининг маҳсулотларига ҳатто Ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Айниқса, бу ерда ишлаб чиқарилаётган электропайвандлаш трансформаторларига Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонда талаб катта. Чунки мазкур агрегат пухта ишлаши, кам электр қуввати сарфлаши жиҳатидан шу соҳа мутахассисларига манзур бўлаётир.

Ушбу корхонада, шунингдек, бу йил 30 миллион сўмлик электр дазмол, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган қолиплар, турли хил қандиллар ҳам ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳозиргача сотиб бўлинди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТОЗААМИРОБОД»НИНГ НОЁБ ҒИШТЛАРИ

Элликқалъа туманидаги Тозаамиробод ғишт заводи маҳсулотларига талаб ортмоқда.

Негаки, бу ерда, асосан, манзарали пишиқ ғиштлар ишлаб чиқарилади. Кейинги йилларда ана шу ғиштларда Нукус, Бўстон ва Тўрткўл шаҳарларида ўнлаб муҳташам биноларнинг қурилди.

Заводда қарийб 30 нафар ишчи ишлайди. Уларнинг меҳнати маҳсули -- чертса жаранглайдиган ғиштларга Бухоро ва Андижон шаҳарлари, ҳатто қўшни Туркманистондан ҳам харидорлар келмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 майдаги фармойишига биноан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги 15 та фирма ва компания иштирокида ўтказган конференцияда Тошкент шаҳар телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш учун хорижий инвесторни жалб этиш ва танлаб олиш мақсадида танлов эълон қилинган эди. Конференция иштирокчилари танлов ўтказиш шартлари тўғрисида мукаммал ахборот олдилар. Танлов ғолиби шаҳар телефон тармоғини реконструкциялаш, ривожлантириш ва фойдаланиш ишларини бажариш учун қўшма корхона барпо этишда қатнашади. 8 та хорижий фирма ва компаниядан белгиланган муддатда танловга тайёрланган таклифлар тушди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Тошкент шаҳар телефон тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш учун хорижий инвесторни жалб этиш ва танлаб олиш танловини ўтказиш комиссияси тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорга келди:

- *Алоқа вазирлигининг қўшма корхона барпо этиш бўйича музокараларнинг биринчи навбатдаги иштирокчисини аниқлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин: Консорциум ДЭУ Корпорейшн ва "Корея Телеком" (Корея Республикаси).*

Агар музокараларнинг биринчи навбатдаги иштирокчиси билан қўшма корхона барпо этиш тўғрисида бир битимга эришилмаса, комиссия навбатдаги иштирокчини белгиланган тартиб бўйича музокараларга таклиф этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Танловнинг барча иштирокчилари комиссия қабул қилган қарордан огоҳ этилган. Қўшма корхона барпо этиш юзасидан музокаралар олиб бориш вақти танлов иштирокчилари билан келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида гапирилган эди

ЯНГИ МАЗМУНДАГИ МУКАММАЛ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТАЙЛИК

Таълим-тарбия — мустақиллигимизнинг пойдевори. Таълим-тарбиянинг асосий омили эса янгидан яратиладиган дарсликлардир. Мухбиримиз Республика Президенти девони Фан, таълим ва ижтимоий муаммолар масалалари хизмати етакчи консультанти, тарих фанлари доктори Исломжон ТУРСУНОВ билан ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмаларни янгитдан яратиш вазифаси қандай амалга оширилаётганлиги ва истиқболдаги режалар ҳақида суҳбатлашди.

— Исломжон Йўлдошевич, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида маориф, таълим-тарбиянинг ҳозирги аҳволи ва унинг олдига қўйилган вазифалар ҳақида тўхталиб, «Ўқув юртларида, айниқса ижтимоий, жамиятшуносликка оид фанлар бўйича ҳамон эски ўқув қўлланмалари, ўқув дастурларидан фойдаланилмоқда. Бундай аҳволни мустақил мамлакатимизнинг болаларига, ёш авлодга қариш жиноят деб баҳолаш керак», деган сўзларни айтган эдилар. Орадан бирмунча вақт ҳам ўтди. Бу жиддий камчиликларни бартараф этиш йўлида амалга оширилаётган аниқ чоратадбирлар ва галдаги вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Президентимизнинг ушбу хулосалари халқ хўжалиги, умуман турмушимизнинг бошқа соҳалари каби мактаб, маорифни ҳам ниҳоятда чуқур ўрганиб, атрофлича таҳлил қилиб, сўнг таълим мутасаддилари фаолиятига қўйилган салбий баҳодир. Келажагимиз бўлган ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашда ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг ўрни ва вазифаси бошқа ҳар қандай воситадан юқоридир. Эски, собиқ иттифоқ даври мафкураси ва қарашлари билан тўлиб-тошган дарсликлар кейинги йилларда шошқалоқлик билан ёзилган ёки муқоваланиб қайта босмаси чиқарилган аксарият қўлланмалар ўрнига мустақиллик ғоялари, миллий қадриятларимиз билан йўғрилган, жаҳон алломалари қаторида дунё таниган ва тан берган олиму фузалоларимиз, буюк аждодларимиз ихтиролари, фаолияти билан бойитилган, ўтиш даври, бозор иқтисодиёти муносабатлари ўз аксини топган, миллий, умрбоқий дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш вақти аллақачон етган.

Ўқув дарсликлари жумладан, ижтимоий, жамиятшунослик фанларидан дастур ва қўлланмалар яратиш ҳаракати таълим вазирликлари томонидан эълон қилинган танловлар асосида бундан икки йил аввал бошланган эди. Бу жараён ниҳоятда суст ва қийин кечди. Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган предметлар ва олий ўқув юртларида ўрганиладиган фанлардан дарсликлар яратиш йўлидаги уринишлар самараси ҳам паст бўлди. Янгитдан ёзилган ва танловга тавсия этилган дарсликлар қўлёзмалари эса бармоқ билан санарли бўлиб, мазмунан саёз, методик жиҳатдан бўш, методологик жиҳатдан эса қашшоқ эканлиги маълум бўлди.

Ҳозирги кунга келиб бу долзарб муаммонинг тўғри ечимини топиш йўлида фаол иш бошлаб юборилган. Масалан, «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитишнинг ягона концепцияси» ва дастури яратилиб, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари коллегиялари қўшма мажлисида тасдиқланди. Муаллифлар ижодий гуруҳи мазкур ягона концепция ва дастур асосида янги дарсликлар яратишга киришдилар. Умумий тарих, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, фалсафа, социалшунослик, социология ва бошқа фанларни ўқитиш ва ўрганишнинг концепцияларини яратиш иши ҳам охирламоқда.

— «Ўзбекистон тарихи» фанининг ягона концепцияси ва дастурининг яратилиш сабаблари, аввалгиларидан фарқи ва мушталарак томонларига тўхталсангиз.

— Бу концепция ўзига хослиги билан ажралиб туради. Аввал бошдан унинг лойиҳаси икки вариантда академик А. Асқаров раҳбарлигидаги илмий гуруҳ томонидан тузилган бўлиб, муҳокамага қўйилди ва анча қизиқарли, қизғин илмий-услубий баҳсларга сабаб бўлди. Фикр ва мулоҳазаларни ўрганиш, умумлаштириш, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва ягона концепция лойиҳасини яратиш учун муаллифлар гуруҳи тасдиқланди. Мазкур ижодий гуруҳ яратган лойиҳа ўтган йилнинг охирида муҳокама қилиш учун эълон қилинди. Демак, мазкур концепция ва унинг асосида тузилган дастур тарихчи олимлар, ўқитувчилар ва жамоатчиликнинг изланишлари, ижодий меҳнати самараси бўлиб дунёга келди. «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси ва дастури» шу вақтгача бирон марта ҳам тузилмаган ва кенг муҳокамадан ўтмаган эди. Шу сабабли тарих дарсликларини ҳар ким ҳар хил талқин қилиб, билганича дарслик ёзиб, икки-уч нафар мутахассиснинг тақризи-ю, Таълим вазирликларининг тавсияси билан нашрдан чиқарилиб, Московнинг тазйиқи, буйруғи билан дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланиб келинаверган эди.

Ачинарлиси шундаки, мамлакатимиз мустақилликкга эришгандан сўнг ҳам янгидан ёзилган, минглаб нусхада чоп этилган дарсликлар эски қусурлардан ҳали бўлмади.

Мисол учун, ҳозирги кунда мактабларда ўқув жараёнида фойдаланилаётган «Жаҳон тарихи» (VII синф. Е. Агибалова, Г. Донской ва Т. Салимов. Тошкент, «Ўқитувчи», 1995 йил, 563000 нусхада босилган) дарслигини олиб кўрайлик. Унда V-XVII асрлар, яъни ўрта асрлар даври марказлашган Рус, Европа, Хитой, Ҳиндистон, Усмонли турк давлатларининг вужудга келиш тарихи ҳақида сўз юритилади-ю, 27 мамлакатни марказлаштирган, империя ташкил қилган ва юқоридаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига бевосита ҳал қилувчи таъсир кўрсатган буюк Амир Темур фаолияти, салтанати ҳақида бирон оғиз ҳам сўз айтилмаган. Ёки «Энг янги тарих» дарслигида (XI синф. В. Фураев, С. Волк, Г. Левин ва бошқалар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1995 йил, 345000 нусхада чоп этилган) эса 1939-1992 йиллар энг янги тарих сифатида ўқитишга тавсия этилган. Узингиз бир ўйлаб кўринг, жаноб Фураев, Волк, Левин ёки юқорида номлари тилга олинган Агибалова, Донсқойлар бизнинг тарихимизни қаердан билсинлар ва улар қандай қилиб одилона, самимий дарслик ёзсинлар? «Энг янги тарих» деб аталмиш мазкур дарсликда кўрсатилган «Улуғ Ватан (қайси Ватан?!) уруши», «СССР, Совет намунасидаги социалистик мамлакатлар иттифоқи» ҳақида сўз юритилади-ю, китоб 1995 йилда нашр этилганига қарамай, 1991 йил 1 сентябрдан мустақилликка эришган она юртимиз Ўзбекистон ҳақида лом-мим дейилмайди. Шундай қусурлари, камчиликлари бўлса ҳам бу дарсликни Халқ таълими вазирлиги XI синф ўқувчиларига ўқитиш учун тавсия этган!

Академик А. Асқаров илмий муҳаррирлигида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» (IX синф. 1917-1993 йиллар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994 йил. 510000 нусхада) дарслиги ҳам Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқитишга тавсия этилган. Мазкур дарсликда ҳам «Совет халқининг немисфашист босқинчиларига қарши...», «Улуғ Ватан уруши...» ёки «Ижтимоий фанлар ҳам уруш йилларида муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Бир гуруҳ олимлар томонидан «Ўзбекистон ССР тарихи» номли асарнинг яратилиши тарихчиларнинг катта ютуғи бўлди...» каби комфирқа ҳукмронлиги даври тушунчалари жой олган. Булар мустақил республикамизнинг бугунги миллий тиклаиш, миллий истиқлол мафкурасига мутлақо зид-ку. Бундай дарсликлар мамлакатимиз раҳбарининг жабрдийда халқимизнинг ҳақиқий тарихини ҳаққоний ёритиш, буюк бобокалонимиз Амир Темур сиймосининг жаҳон тарихи тараққиётида тутган ўрнини қайта тиклаш, мустақил Ўзбекистонимизнинг энг янги тарихини холисона ёритиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ҳам тўсиқ эмасми?! Янги қўлланмалар сифатида ёшларга ўқитилаётган бу дарсликларнинг ёш авлод таълим-тарбиясига етказаётган катта маънавий-мафкуравий зараридан ташқари яна бир томони бор. Уларга 100-1000 тонналаб қоғоз ва бошқа қимматбаҳо маблағлар сарфланган. Энди иқтисодий қийинчиликлар давридаги моддий зиённи бир чамалаб кўринг-а! «Вақтнинг зиқлиги» ва «шошқалоқлик»ни рўкач қилиб бундай қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилишини ҳеч қандай баҳоналар билан оқлаб бўлмайди. Бу борада юқоридаги «дарслик»ларни тузишда қатнашган мутасаддилар билан батафсил суҳбатлар ўтказилди. Бундай таҳлилий суҳбатлар ва амалий тадбирлар, бошқа фан дарсликлари бўйича ҳам таълим вазирликлари томонидан тузилган ҳайъат иштирокида ўтказилянти.

Президентимизнинг «Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ...» деган сўзлари ва юқорида таъкидланган ҳолатлар ҳисобга олинган ва кенг муҳокамадан сўнг яратилган «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» ҳамда «Ўзбекистон тарихи» фани дастури мутлақо янги йўналиш, мазмун ва даврий-тарихий ўзгаришларни ўзида мужассамлаштирган. Аввалги «1917 йил февраль буржуа инқилобининг Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ва демократик ҳаракатларга таъсири», «Октябрь тўнтариши ва Туркистонда Шўролар ҳукмронлигининг ўрнатилиши», «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945 й.)», «Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти (1946-1985 й.)» каби бўлимлар ўрнига «Ўзбекистон Шўролар истибдоди даврида (1917-1991 й.)» деб; Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврини (1991 йилдан ҳозирги кунгача) эса «Энг янги тарих» деб аташни; «Чиғатой улуси ва унинг тарихи (1224-1370 й.)» даври тушиб қолганлиги, олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихи»га ажратиладиган соатларни бирмунча кўпайтириш, Ўзбекистон, яъни Ватан тарихи фанидан (мутахассислигидан қатъи назар) давлат битирув имтиҳонларини жорий этиш, қўшимча равишда «Туронзаминнинг қадимги даври, Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлати» мавзуларини киритиш лозимлиги каби жиддий фикрлар ҳам эътиборга олинди. Уларда манбашунослик, тарихий-хронологик асосдаги муаммоли ўқитиш, аввалги марксча-ленинча методология ўрнига миллий истиқлол, маънавиятимиз, қадриятларимиз, миллий тикланиш методологиясига асосланиш тамойиллари кенг ўрин олган. Концепцияга университет ва педагогика институтларининг тарих факультетлари талабалари, яъни бўлажак тарихчи-тадқиқотчилар, тарих ўқитувчилари ўрганиши лозим бўлган билим доираси мезон қилиб олинди. Олий мактабнинг қолган мутахассисликлари, ўрта махсус, умумтаълим мактаблари учун «Ўзбекистон тарихи» дастури ва дарсликлари мазмуни, ҳажми режада кўрсатилган дарс соатлари лар тузиш зарурлиги кўрсатилиб, унинг маълум бир механизми ҳам таклиф этилди. Акс ҳолда айрим олимлар, мутахассис муаллифлар у ёки бу фаннинг концепциясини билмай туриб, дастур, ҳатто дарсликлар ёзишга ўриняптилар.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси ҳамда дастури» барча турдаги ўқув юртларига етказиб берилди.

— Исломжон Йўлдошевич, галдаги вазифа мазкур фаннинг ягона концепцияси ва дастурига мувофиқ дарсликлар яратишдан иборат экан, муаллифларни белгилаш, танлаб олиш жараёни бошлаб юборилганми, улар олдига қандай талаблар қўйилган, қандай шароитлар яратиб берилган?

— Ҳа, бу жараённинг бошланганига анча вақт бўлди. Унинг айрим ташкилий босқичлари босиб ўтилди. Биринчи босқичда муаллифлар сони 30 дан ортиқ эди. Танлов давомида тарихчи олимлар, юқори тоифали ўқитувчилар, методистлар билан суҳбатларда концепция, дастур ҳақида батафсил фикр биллиришлари ва ўзлари ёзган тақризга шахсан имзо қўйишлари сўралди. Чунки одатда ассистент ёзган тақриз остига 3-4 профессор имзо чекиб юборавради. Эндиликда ҳар бир тақризчининг илмий-методик савияси қандайлигини аниқлаш имкони бор ва лозим бўлганда ҳам-муаллифлик таклиф этилиши мумкин. Чунки кучли олим, ўқитувчи бўлиш мумкин, аммо дарслик ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қолаверса, кеча «Ўзбекистон ССР тарихи»ни ёзган кишига бугун Ватанимиз тарихининг шу вақтгача бузиб кўрсатилган, ўқилмаган саҳифаларини қайта, адолатли тиклаш ишини топшириш қандай бўларкин? Бизнингча, муаллифдаги дарслик ёзишга бўлган интилишнинг ўзи камлик қилади, бу йўлда илмий, услубий, ижодий, ҳаётий эҳтиёжни қалбан ҳис этиш талаб этилади.

Айни пайтда танловдан ўтган муаллифларга Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан икки-уч ойлик ижодий таътил берилган ва барча шароитлар яратилган. Уларнинг аксарияти Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Франция, Англия, Россия ва бошқа мамлакатлар кутубхона, музей ва архивларида бўлиб, йирик олимлар билан ижодий мулоқотлар қилиб, янги қимматли материаллар билан қайтдилар. Улар ҳар ҳафтанинг пайшанба куни республика Таълим марказида йиғилиш ўтказиб, ҳар бир тарихий воқеа-ҳодиса юзасидан ўзаро фикр алмашадилар, ижодий мулоқотда бўладилар. Ҳозиргача уч жилдлик «Ўзбекистон тарихи» дарслигининг биринчи қисми тугалланди. Иккинчи-учинчи қисмининг 50-60 фоизи ёзиб бўлинди. Олий таълимнинг бошқа йўналишлари, умумтаълим мактаблари ва бошқа турдаги ўқув юртлари учун «Ўзбекистон тарихи» дастури ва дарсликлари эса шу асосда яратила бошланди.

— Юқорида айтилган фикр, концепция, дастур асосида «Ўзбекистон тарихи» фани дарсликлари яратилаётган бўлса, улар замон талабига жавоб берадиган, мукаммал тарихий илмий-методик асарлар даражасида шаклланар экан-да.

— Албатта, ҳеч бир дастур ёки дарслик йўқ жойдан пайдо бўлмайди. Тарихий ҳужжатларни ижодий-танқидий таҳлил қилиш, бой манбалардан холисона фойдаланиш, тарихий воқеа-ҳодисаларни замон талабида ҳулосалаш, баҳолаш уларни талабалар, умуман китобхон тафаккурига миллий мафкура нуқтаи назаридан сингдириш талаб этилади. Қолаверса, ҳар қандай дарслик икки-уч қайта нашрдан сўнг, маълум вақт ичида ўқитувчилар синчковлиги ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ва бошқа шу каби ҳаёт имтиҳонларидан ўтиб, илмий ва услубий жиҳатдан сайқал топади, мукаммал дарслик сифатида шаклланади. Албатта, бу маълум вақтни талаб этади.

Шу ўринда мазкур концепция ва дастурнинг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзбекистоннинг шўролар истибдоди остида яшаган даври тарих учун бир лаҳзадек туюлади. Дарсликда бу даврга нисбатан кўпроқ тўхталиш таклиф этилаётир. Сабаби, бугунги талабаларнинг дунёқарашлари асосан биз юқорида тилга олган эски дарсликлар мазмуни билан суғорилган. Энди уларни бу «юқдан» озод қилиш лозим. Уларнинг онгини миллий тикланиш мафкураси ғоялари билан бойитиш керак. Бунинг учун дарсликларда шу мавзуга кенгроқ ўрин бериш, ўқитувчиларимиздан эса янгича ёндашув, шижоат талаб этилади. Табиийки, кейинги нашрларда бу давр тарихи таҳрир этилади, қисқара боради. Шу боис «Ўзбекистон тарихи»нинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошланувчи «Энг янги тарих» деб аталмиш даври эса «Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлида», «Ўзбекистон — суверен, демократик республика», «Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш тарихий тараққиёт йўли», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги қардош ва бошқа хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги» каби боблардан ташкил топиши режалаштирилган. Албатта, унинг илмий тадқиқий мазмуни, ўқув-услубий томонлари Президентимиз фармойишлари асосида яқинда ташкил этилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари учун мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» фанини уч курсда ўргатиш мўлжалланяпти. Назаримда, яратилажак янги «Ўзбекистон тарихи» дарслиги Ватан, халқ, миллатнинг асрлар давомида босиб ўтган мураккаб, серқирра тарихий йўли, унинг ўқилмаган саҳифалари ҳаққонийлик, самимийлик билан адолатли хулосалар асосида бойитилиши керакки, уни ўқиган кишининг хотирасидан буюк ва қадимий тарихга эга забардаст халқ босиб ўтган йўл мустаҳкам жой олсин.

Сўзимнинг охирида дарслик ва қўлланмалар яратиш ҳақида яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. У ёки бу фан юзасидан ўз концепцияси, дастурига эга бўлган ва қўлёзмалари республика Таълим маркази илмий-методик кенгаши муҳокамасидан ўтган тақдирда ҳар қандай мутахассис муқобил, тажриба тариқасидаги дарслик ёки қўлланма муаллифи бўлиш ҳуқуқига эга.

— Суҳбатингиз учун раҳмат, саломат бўлинг. Янги дарслик муаллифларининг мураккаб, масъулиятли илмий-ижодий меҳнатларида муваффақиятлар тилаймиз.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.

Хиванинг 2500 йиллигига

Хоразм Марказий Осиёнинг энг қадимги маданият марказларидан бири бўлиб, унинг гавҳари ҳисобланган Хива шаҳри ҳадемай ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлайди.

Хиванинг бунёд бўлиш тарихи кўпчилик афсоналарда ўз аксини топган. Уларнинг барчасида Хиванинг қурилиши одамзоднинг иккинчи умри, яъни тўфондан кейинги даврига тўғри келиши ҳақида айтилади. Абу Райҳон Беруниийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асарлари ва бошқа манбаларда келтирилишича, Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом тўфондан кейин қум барханлари устида ухлаб ётар экан, бир туш кўради ва тушида шаҳар сувратини чизади, сўнгра Хивақ қудуғини қаздириб шаҳар қурдиради...

XVII асрга келиб Хива хони Абулғозихон маданиятни кўтариш учун катта ғайрат қилади. Бу пайтларга келиб юртни бошқарган хонларнинг кўпчилигида мусиқага ихлос баланд бўлган. Улардан Абдуллахон (1854) танбур ва ғижжак чалишни хуш кўрган. Сайид Муҳаммадхон (1885-1864) дутор ва ғижжакда машқ қилишни ёқтирган. Айниқса, Хоразмда адабий ҳаракатнинг юқори чўққига кўтарилишида, оғзаки ижоддаги касбий-мусиқий меросниг юксалишида ҳамда келгуси авлодларга етказиш учун «Хоразм танбур чизиғи» шаклида қоғозга тушурилишида «Феруз» таҳаллуси билан ғазаллар битган Муҳаммад Раҳимхонисоний (1864-1910)нинг ўрни беқиёсдир.

Феруз шоир, ташкилотчи, давлат арбоби бўлиши билан биргаликда бастакор ҳам бўлган ва Хоразм мақомларига чолғу йўлларини боғлаган, шунингдек, 13 куйдан иборат асар яратган.

У ўзининг саройдан чиқишини тантанали тусда намойиш қилиш учун меҳтарлардан Собир ва Ҳусан калотларга (форсча — «калон»нинг бузилган шакли) сурнайчилардан қўш (ансамбл) тузиш ва хон чиқиш пайтида Хоразм «Наво» мақомининг чолғу йўлидан «Сақили Наво»ни (кейинчалик бу куй «Хон чиқар» деб юритилган) сурнайчилар жўрлигида ижро қилишни буюради. Бора-бора чолғучилар сони 40 тагача етади ва ҳатто хон отини етаклаб юрадиган шотирлар от оёғини куйнинг доира усулидаги ҳар бир кучли зарби билан баробар ерга уриб юришигача ўргатганлар. Бунда ҳар бир шотир ва от оёқларига занг боғлаб, усулнинг кучли ҳиссаларига тенг оёқ ташлаб юрилганда жуда маҳобатли, ажойиб манзара ҳосил бўлган.

Феруз давридаги касбий-мусиқа санъати йўналиши бўйича беш турга бўлинган.

Биринчи турдагиси, яъни сарой мақомчилари 16 ижрочидан ташкил топган бўлиб, уларга саройдан ташқарида ашула айтиш ва соз чалишга рухсат берилмаган.

Ашулачи, раққос, чолғучи ва шу ҳунарларни ўзларига касб қилиб олган санъатқорлар гуруҳидан тузилган созанда қўшлари ҳар бир таркибда, яъни 2 та сурнайчи, доирачи, танбурчи-ашулачи, масҳарабоз, мағалдақчи (умбалоқчи — акробат), дорбоз, чодирхаёл (қўғирчоқбоз) ва шуларга ўхшаш бошқа санъатқорлардан ташкил топган.

Талқинчи ва ғўяндалар суворалар туркуми ва савтлари ҳамда феруз лар ўхшаган йирик шаклдаги ашулаларни ижро қилганлар. Шунингдек, Машраб, Суфи Оллаёр, Махтумқули, Мулло Нафас ва бошқа кўпчилик шоирларнинг тасаввуф йўлидаги ғазаллари, насиҳат ҳамда ўгитларини қуйлаганлар.

Бахши-достончилар достонларни ёдда сақловчи, оммалаштирувчи ва наслдан наслга ўтказувчи санъаткорлар бўлиб, Хоразмда ўзига хос тарзда шаклланган. Бу ерда достоннинг насрий қисми ҳикоя тарзида сўз билан айтилиб, назм, яъни шеъ рий қисми куйга солиниб қўшиқ ҳолида ижро этилади. Хоразм бахшичилик мактаби икки услубга бўлинади: ширвоний ва эроний. Хоразм бахшиларининг кўпчилиги иккала услубда ҳам достонлар ижро этганлар. Машҳур бахшилар 10, 20, 30 кунлик тўйларни ҳар куни бир достон айтиб (олдин айтганини такрорламасдан) ўтказар ва бундай бахшилар юқори баҳоланиб, 5 тиллодан 15 тиллогача хизмат ҳаққи олар эканлар.

Халфалар халқ ичида икки турга бўлинади ва булар сози халфа ёки яхши куннинг халфаси, иккинчиси эса китоби халфа деб юритилади. Сози халфалар санъати, асосан, Хоразмга хос бўлиб, хотин-қиз ижрочилардан ташкил топган, соз (гармон), доира жўрлигида «ичкари»да хизмат қилганлар. Улар суннат, фарз, жой (уй), бешик тўйлари, бошқа байрам ва тантаналарда достонлардан парчалар, ялла ва рақсбоп қўшиқлар айтиб, аёллар кўнглини хушнуд этганлар. Иккинчи турдаги китоби халфалар эса асосан диний мавзудаги китоблардан «Улли пир», «Мушкул кушод» ва мусулмончилик удумига айланиб қолган мархумнинг маъракаларида китоблар ўқиб, аёллар қайғусини енгиллаштиргандар, дардига малҳам бўлганлар ва маърифат тарқатганлар.

...Қадимий ва ҳамиша навқирон Хиванинг узоқ ва яқин ўтмишдаги мусиқий меросини чуқурроқ ўрганиш, ота-боболаримиз руҳиятига озиқ берган санъат туларини тадқиқ қилиш шаҳарнинг улкан тўйига муносиб армуғон бўлади.

Ботир МАТЁҚУБОВ,
Маданият ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи.

РЕКЛАМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

2 декабрь куни Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг «Хамар» халқаро алоқалар марказида «Реклама--96» биринчи Марказий Осиё кўргазмаси очилди. Уни «Восточные вести» реклама-ахборот ҳафтаномаси ва «Камалак-ТВ» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ташкил этди. Кўргазмада республикамиздаги реклама, матбаа ва дизайн ишлари билан шуғулланувчи йигирмага яқин фирма ва матбуот нашрлари қатнашмоқда. Беш кун давом этадиган кўргазмада реклама масалаларига бағишланган семинар, қатор реклама агентликлари ходимларининг журналистлар билан учрашувлари ўтказилади.

(ЎзА).

"ЎЗЗООВЕТТАЪМИНОТ"

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ БОЗОР НАРХЛАРИДАН АРЗОН БАҲОЛАРДА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1. Антибиотиклар:
   Ампициллин
   Бицилин
   Тетраандомицин
   Гентамицин
   Фармазин
2. Антигельминтиклар:
   Финбендазол
   Вермитан
   Левамизол
   Вальбаден 2,5%
3. Чорва молларини чўмилтирувчи воситалар:
   Эктомин
   Эктопор
4. Дезинфекция воситалари:
   Каустик сода
   Гиппохлорид кальций
   Хлорли оҳак
   Формалин
5. Гормоник препаратлар:
   Окситоцин
   Диригистрон
6. Витаминлар:
   Тривит
   Тетравит
7. Кукун ҳолидаги глюкоза, йод настойкаси, кемирувчиларга қарши қўлланиладиган воситалар.
8. Ветеринария лабораториялари учун жиҳозлар.
9. Пахта, бинт ва бошқа боғловчи воситалар.
10. Халат, пахтали куртка, оддий куртка, махсус қоғоз қоплар.

Хоҳласангиз буюртма беринг, айтган манзилингизга элтиб берамиз.

Манзил: Тошкент, "Строительная" кўчаси, 1 (мўлжал - Қўйлиқ бозоридан кейин биринчи кўприк).

Ушбу вакцина ва маҳсулотларни ўзаро ҳисоб-китоб қилинган заҳоти Тошкентдаги омборлардан олишингиз мумкин.

Нақдга оласизми ёки пул ўтказасизми? Вексель ҳам олаверамиз.

Тел.: (3712) 90-42-53, 98-68-54, 90-42-57. Факс: 98-68-61.

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти жамоаси бош муҳаррир Акмал Камоловга умр йўлдоши

Ораста КАМОЛОВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС МАКТАБ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ (ОЎММММИ)

Қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

I. Бўлим бошлиқлари (асосан -- фан докторлари):
-- «Таълимда янги педагогик ва информацион технология»;
-- «гуманитар таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия»;
-- «иқтисодий таълим ва молия-иқтисод муаммолари»;
-- «нашриёт ва тезкор нашрлик»;
-- «социология, мутахассислар тайёрлаш истиқболи муаммолари ва талабалар ижоди».

II. Шўба (сектор) мудирлари (фан доктори ва номзодлари):
-- Олий таълим стандартлари;
-- ўрта махсус таълим стандартлари;
-- таълимни компьютерлаштириш;
-- ўқитишнинг илғор ва фаол усуллари;
-- педагогик тест ва рейтинглар;
-- гуманитар таълим;
-- маънавий-ахлоқий тарбия;
-- социологик тадқиқот;
-- мутахассислар тайёрлаш истиқболи;
-- диагностика ва талабалар ижоди.

Танловда кўп йиллик илмий-педагогик фаолият тажрибасига эга бўлган, ўзбек, рус ва мумкин қадар инглиз тилини биладиган шахслар қатнашиши мумкин. Иш ҳақи бир қатор имтиёзларга эга.

Ариза ва ҳужжатлар 1996 йил 20 декабргача қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:
-- Тошкент ш., Пахтакор кўчаси -- 3, ОЎММММИ, 32-хона.
Маълумот учун телефонлар: 41-11-62, 41-80-07, 41-89-07.

ОЧИҚ ТУРДАГИ **"1-ЯРОСЛАВЛ УН ЗАВОДИ"** АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ



ҳамма мулк туридаги корхона ва ташкилотларга биринчи ва иккинчи нав бугдой уни сотади.

Ун темир йўл транспорти орқали жўнатилади.

Маълумот учун Ярославлдаги телефонлар:
(0852) 30-49-26, 30-47-12, факс: (0852) 32-86-21.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —Н. Тошев.
Навбатчи —F. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.20. 123456